

**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
МАВЗУСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ (XIX АСРНИНГ ОХИРИ – XX
АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИ)**

Джумадулла Турабекович САГАТОВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада XIX аср охири ва XX асрнинг 60-йилларигача бўлган даврда Ўзбекистон матбуотида фавқулодда вазиятлар мавзуси ёритилишининг тарихий ривожланиш жараёнлари тадқиқ этилган. Бунда Чор Россияси ва Совет мустамлакачилиги даврида Туркистонда миллий даврий матбуотнинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва унда фавқулодда вазиятларга оид материалларнинг чоп этилиши масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: фавқулодда вазиятлар, жадид матбуоти, Андижон фожиаси, фавқулодда вазиятлар журналистикаси, совет матбуоти, Тошкент zilzilаси, табиий офатлар, партия матбуоти.

**ОСВЕЩЕНИЕ ТЕМЫ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ В ПЕЧАТИ
УЗБЕКИСТАНА (КОНЕЦ XIX ВЕКА – 60-Е ГОДЫ XX ВЕКА)**

Джумадулла Турабекович САГАТОВ

Независимый исследователь

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной научной статье исследуется историческое развитие освещения темы чрезвычайных ситуаций в печати Узбекистана в период с конца XIX века до 60-х годов XX века. В исследовании рассматриваются процессы становления и развития национальной периодической печати в Туркестане в годы колониального господства Российской империи и Советского Союза, а также публикация материалов, посвящённых природным катастрофам, социальным трагедиям и другим чрезвычайным ситуациям. Особое внимание уделено подходам джадидской прессы, освещению в печати таких событий, как Андижанская трагедия и Ташкентское землетрясение, а также информационной политике советской партийной печати по данной тематике.

Ключевые слова: чрезвычайные ситуации, джадидская пресса, Андижанская трагедия, журналистика чрезвычайных ситуаций, советская пресса, Ташкентское землетрясение, природные катастрофы, партийная печать.

Ўзбекистон журналистикаси тарихида фавқулодда вазият (ФВ)лар мавзусини ёритиш жараёнларининг бевосита ривожланиши матбуот

нашрлари билан боғлиқликдир. Бунга мисол сифатида “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети”да ўша даврда Туркистон ўлкасида содир бўлган фавқуллодда вазиятлар ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар ёритилган. Газеталарда Туркистон аҳолиси орасида кенг тарқалган касалликлардан бири безгак (малярия) билан касалланганлар ҳақида, улар орасида ўлим ҳолатлари ҳамда уларни даволаш усуллари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилади. Бу кўрсаткич ёз фаслига келиб, янада ошиб кетган. Баъзи вақтларда безгак эпидемияга айланиб, вабо ва ўлат (чума) касалликлари каби кўплаб инсонларнинг ёстиғини қуритган. Масалан, Сирдарё вилоятида 1891 йилда 44.004 нафар бемордан 8.908 киши безгак (малярия) билан оғриган” [3].

“Туркистон ўлкаси матбуотида Тошкентдаги 1892 йилдаги вабо эпидемияси ҳақида қуйидаги хабарлар берилган: Тошкент шаҳрида 1892 йилнинг 7 июнидан 18 августига қадар шифокор назоратида даволанган 669 кишидан 307 бемор вафот этган, бундан ташқари шифокор назоратида 93 бемор бўлган бўлса, шулардан 44 нафари вафот этган, шифокор назоратида бўлмаган 2.412 нафар киши вабодан вафот этган” [7]. Мамлакатдаги оғир санитария ҳолати ҳамда ФВларни бартараф этиш соҳасида етарлича иш олиб борилмаган. Шунга қарамай, газеталарда турли касалликлар ва эпидемияларнинг олдини олиш борасидаги мақолалар чоп этиб борилган.

XX аср бошида тарихга “Андижон фожиаси” деб муҳрланган Андижон зилзиласи 1902 йил 3 декабрда содир бўлган. Бу зилзила ҳақида ҳам матбуотда кенг маълумотлар ёритилган. У Андижонни ер билан яксон қилган. Ҳатто темир йўл изларидаги паровоз ва вагонларни ҳам улоқтириб ташлаган, излар бўлса эгилиб-букилиб жойидан қўзғалиб кетган. Ҳатто адирлардаги ер ёрилиб, ундан бир неча дақиқа нефть, газ ва сизот сувлар қум аралаш отилиб турган. Зилзила оқибатида 50.000 киши яшайдиган Андижон бир неча сонияда вайронага айланган ҳамда табиий офат натижасида маҳаллий аҳолидан 4.570 киши, рус миллатига мансуб аҳолидан 6 киши қурбон бўлган. Зилзила оқибатида жабрланган аҳолига тиббий ёрдамни

ташқил қилиш ишлари ёмон аҳволда эди. Чор ҳукумати ФВлар оқибатларини бартараф этиш ишларини ниҳоятда сусткашлик билан олиб бордилар. Аммо оддий рус врачлари ва ҳамширалари зилзиладан жабрланган аҳолига сидқидилдан ёрдам берганлар [1].

“XIX асрнинг 90-йилларига келиб Туркистонда матбуот соҳасида бурилиш юз берди. Бу даврда ўлкада рус тилидаги дастлабки хусусий газеталар пайдо бўла бошлади. Дастлаб Самарқандда, кейин Тошкентда 1890–1907 йилларда чоп этилган “Окраина” газетаси, 1898–1907 йилларда Тошкентда чоп этилган “Русский Туркестан” газеталари шулар жумласидандир. Мазкур газета фаолиятида Н.Ликошин, Н.Хаников ва А. Диваевлар фаол иштирок этишган. Бу газеталар универсал бўлиб, унинг саҳифаларида ўлканинг тарихи, географияси, иқтисодий ҳаёти ва маданий-маърифий масалалари мунтазам ёритиб борилган. 1904 йилда “Ташкентский листок” газетаси чоп этила бошлаган эди, унда телеграммалар, эълонлар ва маҳаллий хроникалар ҳам бериб борилган. Ушбу газета 1906 йилдан “Ташкентский курьер”, 1908 йилдан эса “Туркестанский курьер” номи остида чиққан” [10]. “Мазкур газеталарда Туркистонда безгак (“малярия”) касаллигининг тарқалиши ҳақидаги маълумотлар ёритиб борилган” [4]. Россиядаги 1905 йилдаги инқилобий ҳаракатлардан ларзага келган Чор империяси Россияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилди. Мана шу сиёсий, ижтимоий вазият Туркистонда миллий матбуот соҳасининг пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки бўлди. Ўша вақтларда жадидлар томонидан “Тараққий” (1905 й.), “Хуршид” (1906 й.), “Шухрат” (1907 й.), “Ойна” (1913 й.), “Самарқанд” (1913 й.), “Садои Туркистон” (1914 й.) ва бошқа бир қанча даврий матбуот нашрлари ташқил қилиниб, фаолият олиб бора бошлади. Мазкур газеталарда ўша даврда Туркистондаги сиёсий, ижтимоий ҳаёт, ҳорижий мамлакатлардаги воқеалар, шу билан бирга жамиятдаги ижтимоий муаммолар, уларни ҳал қилишда илм-фан ва маърифатнинг асосий восита эканлиги, халқнинг сиёсий онгини

ривожлантириш каби масалалар ёритилган. Мазкур газета ва журналлар ичида айнан ФВлар билан боғлиқ ҳодисалар “Садои Туркистон” газетасида чоп этилганлигини кўриш мумкин. “Газетанинг 1914 йил 20 майдаги 11-сонида “Пермь шаҳридаги диний мактаб бутхонасида кечки ибодат вақтида ўт чиқиб, кўп одамларга зарар етибдур. 27 кишини хастахонага солибдурлар, ўлганлар ҳам бор” деган хабар чоп этилган [9].

Туркистонда совет ҳокимияти (1917–1924 йилларда) ўрнатилгандан кейин октябрь инқилоби вақтида ўз фаолиятини тиклаган миллий матбуот нашрлари тўлиқ коммунистик мафкура қоидаларига бўйсундирилди. Ошкоралик, озодлик ва демократик тарзда фаолият олиб боришга ҳаракат қилган нашрларнинг барчаси “ёпилди”. Шундай сиёсий ва иқтисодий оғир вазиятларга қарамасдан миллий матбуотимиз ўша даврда жамиятдаги ижтимоий муаммоларни, хусусан, аҳоли ҳаётига хавф солувчи фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритиб борган. Масалан, “Бухоро ахбори” газетаси – Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати газетаси. 1920 йил сентябрдан – 1923 йил июлгача ўзбек тилида чиққан. Адади 3000 бўлган. Газета Бухоро жадиждларининг минбари бўлиб, Бухорода виждон эркинлигини таъминлаш, миллий ҳукумат ва миллий қуролли кучларга таяниш, рус қизил кўшинларини Бухоро худудидан олиб чиқиб кетиш ва бошқа сиёсий ҳамда иқтисодий масалалар кўтарилган. Газета 1923 йил июлда Шўро ҳокимияти томонидан таъқиқланган. Газетага Фитрат, Чўлпон, Саид Аҳрорий, Зиё Усманий, Қори Йўлдош ва бошқа жадиждчилик намоёндалари муҳаррирлик қилган. 1923–1930 йилларда “Озод Бухоро” номи билан чиқа бошлаган. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида “аҳоли турмуш даражаси ва ҳаётининг оғир аҳволи, ичимлик суви муаммоси, баҳор ва ёз ойларидаги ўта иссиқ гармсели об-ҳаво, қишда эса иситиш шароитларининг умуман йўқлиги, амирлик даврида соғлиқни сақлаш тизимининг умуман ривожланмаганлиги сабабли Бухорода вабо, иситма, ришта (тери ости қуртлаши), безгак, чечак, бўғма каби касалликлар оқибатида кўплаб эпидемиялар бўлиб турган” [2].

Собиқ СССР ташкил топгач, Ўзбекистонда янги сиёсий йўналишдаги газета ва журналлар чиқа бошлаган. Унинг дастлабки намунаси рус тилида чоп этила бошлаган “Наша газета” эди. У 1917 йил апрелидан 1919 йилгача шу номда, 1919 йил апрелидан “Известия” номида, 1922 йилдан “Туркестанская правда”, 1924 йилдан эса ҳозиргача “Правда Востока” номида чиқиб келади. Мазкур газетада республикамизда содир бўлган фавқулодда вазиятлар ҳақида хабарлар ёритиб борилган. “Ўзбек тилидаги миллий Совет матбуотининг тўнғичи “Иштирокиюн” (Коммунист) газетасидир. 1921–22 йилларда бу газета “Қизил байроқ”, 1922–24 йилларда “Туркистон”, 1924–1964 йилларда “Қизил Ўзбекистон”. 1964–1991 йилларда “Совет Ўзбекистони” номларида нашр этилди. Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан сўнг республикада кўплаб янги газета ва журналлар ташкил этилди. Турли қатламларга мўлжалланган республика миёсида “Ёш ленинчи”, “Камбағал деҳқон”, “Қизил юлдуз”, “Батрак”, “Ишчи”, “Ленин учқуни”, “Маданий инқилоб” каби ўзбек газеталари ҳамда рус тилида “Комсомолец Востока”, “Пионер Востока”, “Узбекистанская правда”, яҳудий тилида “Рўшнолик”, уйғур тилида “Қутилиш”, тожик тилида “Ҳақиқати Ўзбекистон” газеталари чоп этила бошланди” [8].

Ўзбекистонда содир бўлган ФВлар мавзуси бўйича таҳлилий ва ахборий хабарлар асосан 1966 йилги Тошкент зилзиласи рўй берган даврдан бошланган. Бу давргача республикада йирик кўламдаги ФВлар содир бўлмаган. Бундай тенденция деярли республикадаги барча матбуот нашрларида кузатилади. Яъни, 1966 йилгача бўлган даврда республика матбуоти асосан ҳорижда рўй берган табиий ва техноген ФВларни ТАСС ахборот агентлиги манбалари асосида қисқа хабарлар рукнида чоп этган. 1966 йил 26 апрелда содир бўлган Тошкент зилзиласи (магнитудаси 5.2 балл, интенсивлиги 7,5 балл) Ўзбекистон тарихидаги энг йирик табиий офатлардан биридир.

Тошкент зилзиласини ёритишда “Правда Востока” газетасининг ўзига хослиги шундаки, “Правда Востока” да Тошкент зилзиласи тасвири нисбатан

батафсил ва республиканинг ички ҳаётига қаратилган Масалан: “Правда Востока” қурбонларнинг кундалик ҳаёти, маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти, эвакуация қилинган фуқароларнинг сони ҳақидаги маълумотларни бериб борган. Шу билан бирга ўзбек тилида чиқадиган “Совет Ўзбекистони” (кейинчалик “Халқ сўзи”) газетаси ҳам фаолият олиб борган. Ушбу ўзбек тилидаги газета табиий офатлар тўғрисида маҳаллий аҳолига мўлжалланган хабарлар беришда асосий восита бўлган. Хусусан, “Совет Ўзбекистони” газетасининг 1966 йил 27 апрелдаги 94 (13.356)-сонида “Тошкентдаги zilzila ҳақида” хабарномасида Тошкентда содир бўлган zilzila тафсилотлари ва zilzila оқибатларини бартараф қилиш учун ҳукумат комиссияси тузилганлиги ҳақида қисқача хабар берилган. Газетанинг шу сонида, “Л.И.Брежнев ва А.Н.Косигин Тошкентда” номли хабар ҳам чоп этилган. Хабарда Тошкентдаги zilzila оқибатларини бартараф этиш комиссияси фаолиятини ташкил қилиш учун Ўзбекистонга ташриф этаётганлиги ёритилган” [6]. Ўша даврдаги матбуот нашрларида Тошкент zilzilасини бартараф этиш тадбирлари, собиқ Иттифоқ таркибидаги барча мамлакатлардан келган қурилиш ташкилотларининг Тошкентдаги қурилиш ишлари батафсил ёритиб борилган.

Совет даврида барча матбуот нашрлари, В.И.Лениннинг матбуот ҳақидаги концепциясига асосланган эди. Унга кўра, “Матбуот – нафақат жамоавий пропагандист ва ташвиқотчи, балки жамоавий ташкилотчи” вазифасини ҳам ўтаган. Ушбу тамойил ФВлар мавзусини ёритишда ҳам қўлланилган. Ўша даврда газетада чоп этилган ФВлар мавзусига оид материалларни таҳлил қилар эканмиз, эълон қилинган хабарларнинг принциплари қуйидагилардан иборат бўлган:

- 1) фақат расмий доиралар тасдиқлаган маълумотларни бериш – дастлабки норасмий хабарларга ижозат берилмаган;
- 2) эвакуация, қутқарув, тиклаш ишлари марказида партия ва ҳукуматнинг фаол иштироки ёритилган;

3) мақсадни режалаштириш ва бажариш – режалаштирилган иқтисодий тиклаш жараёнидаги муваффақиятлар кўрсатилган.

Бу тамойиллар фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларнинг нисбатан кечиктирилиши (бирламчи маълумотлар йиғилиб, текширилгунча) ва бир хил услубда берилишига олиб келган.

“Правда Востока” ва “Совет Ўзбекистони” газеталарининг зилзиладан кейинги сонларини таҳлил қилиш (мавжуд архив материалларига асосланган ҳолда) коммуникатив стратегиянинг асосий элементларини аниқлашга имкон беради:

биринчи босқич: зилзиладан кейинги 24 соат ичида расмий маълумотнинг йўқлиги;

иккинчи босқич: 2–3 кунларда зилзила содир бўлганлиги ҳақида тўлиқ хабар берилиб, бошқарув органлари томонидан тезкор штаб тузилган ҳамда қутқарув ишлари бошланган. Бунда газета саҳифаларида қутқарув ишларини ташкиллаштириш тўғрисидаги қарорлар чоп этилган, эвакуация қилинаётган одамлар ҳақида маълумотлар берилган. Табиий офат оқибатида 4 нафар одам ҳалок бўлганлиги ва 150 нафар одам жароҳат олганлиги ҳақида дастлабки расмий маълумотлар берилган [5].

учинчи босқич (бир ҳафтадан кейин): газетада катта саҳифалар билан иттифоқдош республикалар ва марказдан берилаётган моддий ёрдам, асбоб-ускуналар, қурувчилар бригадаларининг Тошкентга келиши ҳақида хабарлар берилган.

Ўша даврда собиқ Совет матбуотининг, шу жумладан Ўзбекистондаги асосий нашрлардан бўлган “Правда Востока” ва “Совет Ўзбекистони” газеталарида берилган материалларни таҳлил қилар эканмиз, газеталарда “Тошкент зилзиласи”ни ёритишда содир бўлган вазият объектив тарзда баҳоланмаган, офат оқибатида жабрланганлар, моддий йўқотишлар ва амалга оширилаётган қутқарув, қурилиш-тиклаш ишлари ва мавжуд муаммолар ҳақида ҳеч нарса ёритилмаган.

Мазкур ҳолатдан кўринадики, совет матбуотида ФВлар мавзуси ёритилиши қуйидаги принципларга асосланганлигини кўриш мумкин:

Биринчидан, содир бўлган табиий офатлар ва ҳалокатларни бартараф қилиш партия раҳбарлиги ва совет тузумининг афзалликлари туфайли амалга оширилаётганлигига алоҳида урғу берилган. Аслида ҳар қандай мавжуд давлатда аҳоли хавфсизлиги ва бузилган инфраструктурани тиклаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бунга маълум бир партия ёки тузумни улуғлаш шарт эмас.

Иккинчидан, жабрланганларнинг руҳий-ҳиссий жиҳатлари матбуот саҳифаларида деярли акс этмаган. Совет одамларининг фалокат олдида кўркмаслиги, матонатлилигига урғу берилган. Аслида журналистикада содир бўлган ҳодисани ҳар томонлама холис, очик ёритиш хабарнинг объективлигини таъминлайди.

Учинчидан, зилзила оқибатида бузилган бино ва иншоотлар, издан чиққан инфраструктура ҳақида эмас, балки зилзиладан кейинги қурилиш-тиклаш ишларининг миқёси кенг ёритилган.

Тўртинчидан, зилзила ҳақидаги маълумотлар умумий шаклда, аниқ тафсилотларсиз ва кечиктирилган ҳолда берилган.

Бешинчидан, қутқарув ишларининг идеаллаштирилган тасвири. Бу тасвирлар қисман ҳақиқатга тўғри келган бўлса-да, бир томонлама ва пафосли бўлган. Қутқарув ишларидаги талабнинг ўз вақтида бажарилмаслиги, бюрократик тўсиқлар, айрим ҳудудларда ёрдамнинг етишмаслиги каби жиҳатлар матбуотда акс этмаган.

Таъкидлаш жоизки, 1966 йилги зилзиладан кейинги қурилиш-тиклаш ишлари натижасида Тошкент Марказий Осиёнинг энг замонавий шаҳарларидан бирига айланган. Аммо табиий офатдан кейинги қурилиш жараёнидаги бюрократик тўсиқлар, кейинги йилларда аниқланган сифат муаммолари, шаҳар инфраструктурасидаги бир қатор камчиликлар ва ноқулайликлар ҳақида матбуотда биронта материал эълон қилинмаган.

Мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистон матбуотида чоп этилган фавқулодда вазиятлар мавзусига доир материаллар ҳақида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Аниқлик ва тезкорлик – совет матбуотининг энг катта камчилиги – кечиктирилган хабар. Ўша даврда ҳам ривожланган хорижий мамлакатлар матбуотида фавқулодда вазиятларга оид хабарлар тезкор равишда тарқатилган. Матбуот янгиликлар, шу жумладан, фавқулодда вазиятлар ҳақида тезкор, аниқ ва объектив маълумот беришга мажбур.

Жамоатчилик билан мулоқот – бир томонлама маълумот бериш эмас, балки жамоатчиликнинг савол ва таклифларини эшитиш зарур. Собиқ Совет матбуотида жабрланганлар ҳақида интервью ёки репортажлар деярли берилмаган.

Жабрланганлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиши – шахсий ҳаётга аралашмаслик, қурбонларнинг кадр-қимматини сақлаш зарур (совет матбуоти буни чеклаган, аммо ҳиссий-драматик тасвирнинг ҳам чегараси бўлиши керак).

Психологик жиҳатларни ҳисобга олиши – совет матбуоти ваҳимани камайтиришда жиддий чоралар кўрган бўлса-да, бу психологик жиҳатдан аҳолига тўлиқ мос келмаган. Матбуотда чоп этиладиган материаллар аҳолининг психологик ҳолатига мослашган бўлиб, маълумотлар яширилмасдан объектив тарзда эълон қилиниши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон миллий матбуоти Марказий Осиё мамлакатларининг матбуот нашрлари ривожланишида муҳим ўрин тутган. Хусусан, матбуотда фавқулодда вазиятлар мавзуси ёритилишининг ривожланиш даврларини тадқиқ қилар эканмиз, аввало Чор Россияси кейин Совет ҳукумати мустамлакачилиги даврида матбуот нашрлари кучли цензура шароитида ҳам ривожланишдан тўхтамаган. Газеталарда фавқулодда вазиятлар мавзусига доир турли материаллар чоп этилган. Фақат ушбу материаллар барча жанрларни қамраб ололмаган. Бу

жараёнларни ўша давр мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари деб баҳолаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллабеков Қ.Н., Ильясова З.Ф. Фавқулодда вазиятлар тарихидан: Зилзила. – Тошкент: ФМИ, 2016.
2. Вабо касалига қарши //Бухоро ахбори, 1922 йил 8 июль №89 сон..
3. Гейер От Ташкента до Гавы //Туркестанские ведомости, 1894 г. № 92.
4. Малярия в Ташкенте // Окраина. – 1896. – № 88.
5. О землетрясении в Ташкенте //Правда Востока, 1966 йил 27 апрелдаги № 94 (15039).
6. Совет Ўзбекистони газетаси 1966 йил 30 апрель № 96 (13.358)
7. Шульгин К. “Холерная эпидемия” в Туркестанском крае в 1892 г. //Туркестанские ведомости, 1893 год № 101.
8. Қозоқбоев Т.М., Худойкулов М.. Журналистика асослари. – Тошкент, 2009. – 377 б.
9. Ҳалимова С.А. “Садои Туркистон” газетаси: тил йўналиши, тил, услуб, ва жанр хусусиятлари: мавзусидаги филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 2007.
10. <https://shosh.uz/xix-asrning-ikkinchi-yarmi-xx-asr-boshlarida-toshkent-matbuoti>.